



**ҚОВУН УРУҒЛАРИНИ ЭКИШДАН ОЛДИН ДОРИЛАШДА
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПРЕПАРАТЛАРНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ
КАСАЛЛИКЛАРГА ТАЪСИРИ**

Таянч докторант: А.А.Отажонов

Ўсимликлар карантини ва химояси ИТИ

Аннотация

Ушбу мақолада қовун касалликларга қарши Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган уруғ дориларда қўлланиладиган препаратларни замбуруғли касалликларга таъсири тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: қовун, fusarium sp, alternaria cucumerina, macrosporium, Максим, Селес топ, Раксил голд, фунгицидлар, уруғ дорилар.

Аннотация

В данной статье представлена информация о влиянии препаратов, используемых в семеноводстве, которые разрешены к применению в сельском хозяйстве Республики Узбекистан против болезней бахчевых культур, на грибковые заболевания.

Annotation

This article provides information on the effect of drugs used in seed production, which are allowed for use in agriculture of the Republic of Uzbekistan against diseases of melons, on fungal diseases.

Ключевые слова: дыня, fusarium sp, alternaria cucumerina, макроспориум, Максимус, Селес топ, Раксил Голд, фунгициды, сеялки.

Keywords: melon, fusarium sp, alternaria cucumerina, macrosporium, Maximus, Celest top, Raxil Gold, fungicides, seeders.



Кириш

Полиз экинлари ер шарининг субтропик ва мўтадил иқлим минтақаларида жами 6,2 млн. гектар майдонида экилиб 142,4 млн. тона ялпи ҳосил етиштирилади. Энг кўп полиз экинларини етиштирадиган давлатлар Хитой, Туркия, Ҳиндистон, АҚШ, Эрон, Миср, Испания ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сон қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 148-сон қонун мазкур фаолиятига тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий-тадқиқот ишлари муайян даражада хизмат қилади.

Қовунда касаллик қўзғатувчисини тўғри ташхис қўйиш, замбуруғли касалликларни аниқлаш ва уларга қарши Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган уруғ дориларда қўлланиладиган препаратлар асосида синовлар ўтказилди.

Кейинги йилларда қовуннинг ҳар хил касалликлари кўпайиши натижасида ҳосилдорлик кескин камайиб, маҳсулот сифати ёмонлашмоқда.

Илмий тадқиқотлар Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти тажриба майдонида ҳамда Сирдарё, Жиззах вилоятлари фермер хўжаликларида 2022 йил мавсумида қовун экилган майдонда қовунда учрайдиган замбуруғарни ўрганиш бўйича олиб борилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади ҳозирги кунда қовун экинида катта муаммо бўлган замбуруғли касалликларга қарши курашда айрим уруғ дориларига самарадорлигини ўрганиш ҳисобланади. Тажриба 4 та вариантда 4 қайтарилишда олиб борилди.

1-жадвал. Тажрибанинг шакли

№	Уруғларни экишдан олдин дорилашда қўлланиладиган препаратлар номи	Уруғдориллагичларни қўллаш меъёри, л/т, кг/т.
1	Назорат (фунгицидсиз)	-
2	Максим	Уруғ препарат суспензиясида 1 т донга 10 л эритма сарфланган ҳолда дориланади
3	Селес топ	Қовун уруғини препарат суспензиясида 1 т донга 12-15 л эритма сарфланган ҳолда дорилана-ди
4	Раксил голд	Уруғ препарат суспензиясида 1 т донга 10 л эритма сарфланган ҳол-да дориланади

Тадқиқот услуби ва олинган натижалар

Тадқиқотлар лаборатория ва дала шароитида қовунда аниқланган касаллик кўзгатувчи замбуруғларга қарши уруғларни экишдан олдин дорилашда қўлланилган препаратларнинг таъсири ўрганилди. Чашка петри ликопчасида қовунда аниқланган замбуруғларини ўрта қисмига экилди, яъни тайёрлаган озуқа муҳитимизга топилган замбуруғни экиб, унинг ёнига қовун уруғлари беш донадан экилди. Тадқиқотларимиз 2 ой давом этади. 1-ой лаборатория шароитида қовун касалликларига таъсир этадиган уруғ дориллагич ажратиб олиш бўлса, 2-ой эса танлаб олинган энг самарали уруғ дориллагичлар билан дориланган қовун уруғларини лизеаметрик ва дала тажриба майдонига экишдан иборат. 1-ойда экилган замбуруғлар кузатилади ва ҳар бир уруғ дориллагичларни таъсир этиш жараёни ҳисобга олинади. Синалаётган уруғ дориллагич препаратлар қовун экинида аниқланган замбуруғ касалликларига нисбатан таъсири ўрганилди. Уруғ дориллагичлар билан ишлов берилган қовун уруғларида касаллик инфекцияси кузатилмади, шу билан бирга чашка петрини ўртасига экилган қовун уруғларини замбуруғ споралари қопламади ва касаллик инфекциялари ривожланиши кузатилмади.

Уруғ дорилагичларни қовундан олинган замбуруғлар ўсиш жараёнига таъсири



1-расм. Чашка петрига сунъий озуқа муҳитига экилган *Fusarium* sp замбуруғи ва Maksim- билан дориланган уруғ олдида назорат



2-расм. Чашка петрига сунъий озуқа муҳитига экилган *Alternaria cucumerina* замбуруғи ва Seles top- билан дориланган уруғ олдида назорат



3-расм. Чашка петрига сунъий озуқа муҳитига экилган *Macrosporium* замбуруғи ва Раксил - билан дориланган уруғ олдида назорат

Ушбу расмларда қовунда учрайдиган асосий замбуруғлар кўзгатадиган касалликларга қарши ишлатиладиган уруғ дорилловчи препаратлар самарадорлигини кўришимиз мумкин. Тажрибада синалган уруғ дорилагичлар Maksim, Seles top, Roks gold замбуруғнинг патогенларини ривожлантирмаган ва ўсишини тўхтатиб қўйган. Назорат учун экилган уруғларда касаллик ривожланганини расмда кўриш мумкин ва ўсиб чиқишига салбий таъсир қилган. 2023 йил мавсумида институтимиз тажриба майдонида лизе метр шароитида қовун уруғлари уруғдорилловчи препаратлар билан ишлов берилган ҳолда экилди. Ушбу йил марказий ҳудудлардан Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ёғингарчилик миқдори юқори бўлганлиги сабабли 11-апрелда экиш ишлари амалга оширилди.

International Conference on Multidisciplinary Sciences and Educational Practices

Hosted online from Rome, Italy


Website: econfseries.com

27th August, 2025

Тошкент вилояти Қибрай тумани ва Сирдарё вилояти Оқолтин тумани қовун уруғини экишдан олдин тайёрлаш (2023 йил)



4-расм. Қовун уруғига фермер хўжалиги ва лиземетр шароитида экишдан олдин уруғ дорилагич препаратлар билан ишлов бериш жараёни



5-расм. Қовун уруғлари навлар кесимида уруғ дорилагич препаратлар билан ишлов бериш жараёни



5-расм. Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтининг тажриба майдони лиземетрда лаборатория тажрибаларидан ўтган уруғ дорилагич билан дориланган қовун уруғлари экилди.



Хулоса

Ушбу мақолада 2022 йилда марказий ҳудудларда экилган қовун экинида аниқланган замбуруғлар бўйича тажрибалар олиб борилди. Экиш учун сақланадиган уруғ таркибида бир қанча микроорганизмлар сақланади. Ушбу уруғларни экишдан олдин самарали уруғ дориллагичлар билан ишлов бериб экилганда уруғ таркибидаги ва тупроқдаги микроорганизмлар уруғ унувчанлигига ва ўсишига салбий таъсир кўрсатмади, яъни касалланиш ҳолати кузатилмади.

Адабиётлар

1. (Определитель болезней растений М.К. Хохряков, Т.Л. Доброзракова, К.М. Степанов, М.Ф. Летова 1966
2. Практикум по сельскохозяйственной фитопатологии К.В. Попкова (первое вышло в 1976 г.)
3. Сидорова, Светлана Федоровна. Вертициллезное и фузариозное увядание однолетних сельскохозяйственных культур / С. Ф. Сидорова. - Москва : Колос, 1983. - 157 с
4. Пидопличко, Николай Макарович. Грибы - паразиты культурных растений [Текст] : Определитель : В 3-х т. / Н.М. Пидопличко ; [АН УССР. Ин-т микробиологии и вирусологии им. Д.К. Заболотного]. - Киев : Наук. думка, 1977.
5. Leslie J.F., Summerell B.A. 2006. The *Fusarium* Laboratory Manual. Ames, Iowa, USA, Blackwell Publishing, 2006, xii + 388 pp.
6. Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати 2022 йил 113,116-117 бет.